

## **“ТАСДИҚЛАНГАН”**

ЎзРВБ” АЖ акциядорлари  
йиллик умумий йиғилишининг  
2021 йил 29 июндаги  
80 - сонли баёни

### **“Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти акциядорларининг акциядорларнинг умумий йиғилишларида ва Кузатув кенгаши аъзоларининг Кузатув кенгаши мажлисларида видеоконференц-алоқа режимида иштирок этиш РЕГЛАМЕНТИ**

Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига ва “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - ЎзРВБ) уставига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, ЎзРВБ акциядорларининг умумий йиғилишларида, шунингдек, Кузатув кенгаши мажлисларида видеоконференц-алоқа режимида иштирок этиш ва овоз бериш тартибини белгилайди.

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Йиғилиш ва мажлисларни видеоконференц-алоқа режимида ўтказишда акциядор вакилининг ёки Кузатув кенгаши аъзосининг компьютер ва/ёки мобил телефон алоқа воситасида ЎзРВБнинг Ахборот технологиялари бўлими ходими томонидан таклиф этилган дастурий платформа ўрнатилган бўлиши лозим. Шунингдек, акциядорда ёки Кузатув кенгаши аъзосида веб-камера, овоз чиқариш қурилмаси мавжуд бўлиши ва унинг компьютер ва/ёки мобил телефон алоқа воситаси интернет тармоғига уланган бўлиши (тезлик камида 1 мб/сек) ҳамда у дастурий платформага уланиш коди ва паролга эга бўлиши лозим.

2. Акциядорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг амалга оширилишини таъминлаш учун ЎзРВБ Ижроия органи йиғилишда шахсан иштирок эта олмайдиган акциядор вакили учун видеоконференц-алоқа режимида йиғилишни ўтказилишини, шунингдек, мажлисда шахсан иштирок эта олмайдиган Кузатув кенгаши аъзоси учун видеоконференц-алоқа режимида мажлисни ўтказилишини таъминлайди.

3. Акциядор ёки Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳолларда видеоконференц-алоқа режими орқали йиғилишларда иштирок этиши мумкин:

- акциядор ёки Кузатув кенгаши аъзоси хизмат сафаридида бўлганида;
- акциядор ёки Кузатув кенгаши аъзоси меҳнат таътилида бўлганида;
- бошқа узрли сабабларга кўра.

#### **II. ЎзРВБ акциядорларининг йиғилишларда видеоконференц-алоқа режимида иштирок этиш тартиби**

4. ЎзРВБ акциядори йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабарнома олгандан сўнг, унинг ўтказилиш санасидан камида 2 иш куни олдин, йиғилишда видеоконференц-алоқа режими орқали акциядорнинг ёки ваколатли вакилининг электрон почта манзили

кўрсатилган ҳолда иштироки тўғрисида хабарнома (хат)ни ЎзРВБнинг электрон почта манзили (info@uzrvb.uz)га юбориши шарт.

5. Йўғилишда ваколатли вакил иштирок этган тақдирда хабарнома билан биргаликда вакил ишончномасининг сканер қилинган нусхаси юборилади. Ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортга оид маълумотлар) ҳамда электрон почта манзили кўрсатилган бўлиши лозим.

6. ЎзРВБ санок комиссияси аъзоси акциядор ёки унинг ваколатли вакилининг электрон почта манзилига йўғилишда қатнашиши учун дастурий платформага уланиш коди ва паролени, шунингдек, тегишли ҳаволани юборади.

7. Йўғилишда видеоконференц-алоқа режими орқали иштирок этиш учун акциядор ёки унинг ваколатли вакили ЎзРВБнинг Ахборот технологиялари бўлими ходими томонидан таклиф этилган дастурий платформадан рўйхатдан ўтиши керак.

Агарда акциядор ёки унинг ваколатли вакили ЎзРВБ Ахборот технологиялари бўлими ходими томонидан таклиф этилган дастурий платформадан рўйхатдан ўта олмаса, бу тўғрида зудлик билан ЎзРВБнинг расмий веб-сайтида кўрсатилган алоқа телефонига маълум қилиши лозим. Бунда, ЎзРВБнинг Ахборот технологиялари бўлими ходими томонидан рўйхатдан ўтишга дарҳол ёрдам кўрсатилади.

8. Йўғилишда видеоконференц-алоқа режими орқали иштирок этаётган акциядорга (унинг вакилига) овоз бериш бюллетени электрон шаклда ЎзРВБ санок комиссияси аъзоси томонидан тақдим этилади.

9. Акциядорларнинг умумий йўғилишида видеоконференц-алоқа режими орқали қатнашган акциядор ёки унинг вакили бюллетеннинг аслини, шунингдек, агарда вакил иштирок этган бўлса, ишончноманинг аслини почта (курьер) орқали ЎзРВБ манзилига йўғилиш ўтказилгандан кейинги иш кунидан кечикмай юбориши керак.

### **III. Кузатув кенгаши аъзоларининг мажлисларда видеоконференц-алоқа режимида иштирок этиш тартиби**

10. Мажлисда Кузатув кенгаши аъзосининг шахсий иштирок этиш имкони бўлмаган тақдирда, у мажлисни ўтказиш тўғрисида хабарнома олгандан сўнг мажлис ўтказиш санасидан камида 1 иш куни олдин электрон почта манзилени кўрсатган ҳолда Кузатув кенгаши мажлисида видеоконференц-алоқа режими орқали иштирок этиши тўғрисида хабарнома (хат)ни ЎзРВБнинг электрон почта манзили (info@uzrvb.uz)га юборилиши шарт.

11. ЎзРВБнинг корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси Кузатув кенгаши аъзосининг электрон почта манзилига мажлисда қатнашиши учун дастурий платформага уланиш коди ва паролени, шунингдек, тегишли ҳаволани юборади.

12. Мажлисда видеоконференц-алоқа режими орқали иштирок этиш учун Кузатув кенгаши аъзоси ЎзРВБнинг Ахборот технологиялари бўлими ходими томонидан таклиф этилган дастурий платформадан рўйхатдан ўтиши керак.

Агарда Кузатув кенгаши аъзоси ЎзРВБ томонидан таклиф этилган дастурий платформадан рўйхатдан ўта олмаса, бу тўғрида зудлик билан ЎзРВБнинг расмий веб-сайтида кўрсатилган алоқа телефонига маълум қилиши лозим. Бунда, ЎзРВБнинг Ахборот технологиялари бўлими ходими томонидан рўйхатдан ўтишга дарҳол ёрдам кўрсатилади.

13. Мажлис баённомасида видеоконференц-алоқа режими орқали иштирок этган Кузатув кенгаши аъзоси тўғрисида маълумот ва унинг овоз беришга қўйилган масалалар юзасидан берган овозлари кўрсатилиб ўтилади.

#### **IV. Яқунловчи қондалар**

14. Акциядорлар умумий йиғилишларида ва Кузатув Кенгаши мажлисларида видеоконференц-алоқа режимида иштирок этган иштирокчилар қонунчиликда белгиланган барча ҳуқуқ ва мажбуриятларни сақлаб қоладилар.

15. Агар мазкур Регламентнинг маълум бир бандлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва/ёки ЎзРВБ уставига, “ЎзРВБ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги низомига ҳамда “ЎзРВБ Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомга зид келса, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ва ушбу бандлар билан тартибга солинадиган масалалар бўйича мазкур Регламентга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва/ёки ЎзРВБ уставига, “ЎзРВБ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги низомига ҳамда “ЎзРВБ Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомга амал қилинади.